

Соҳибжон УММАТАЛИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Манбалар хазинаси тажриба
орттирувчи стажёри

ИЛК ИСЛОМ ДАВРИДА УММАВИЙЛАР ВА ҲОШИМИЙЛАР МУНОСАБАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳномолигида мамлакатимиз олий таълим муассасалари тизимида илм-фанни янада ривожлантириш, истеъдодли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш учун шароит яратиш бўйича комплекс чоратadbирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Шунингдек, соф ислом дини, унинг тарихини ўрганиш бўйича қатор ўқув муассасалари, илмий тадқиқот марказлари фаолият олиб бориши учун очилмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев «Нима учун ман иккита марказ ташкил қилдим. Хафа бўлманглар, биз Ислом динини ўрганиш бўйича анча орқада қолдик. Орқада қолдик, ўқимадик. Ўқишга қунт қилмадик, шароит яратмадик. Шунинг учун ҳамма вилоятларда биз ўзининг йўналиши, билими ва ақлига яраша ўқиш масканлари яратдик», деган эдилар. Бунинг боиси ўрганишимиз, изланишимиз керак бўлган жабҳалар жуда кўп. Қуйидаги мақола исломнинг илк даврида уммавийлар ва ҳошимийлар муносабатига бағишланади.

Уммавийлар Макка шаҳри оқсоқолларидан Абдушшамс ибн Абдуманофнинг ўғли Умайя ибн Абдушшамс авлодларидир. Абдуманофнинг бошқа бир ўғли Ҳошимнинг авлодлари

ҳошимийлар дейилади. Демак, бу икки уруғ вакиллари бир оиладан тарқалган. Абдуманоф ва унинг авлодлари ислом дини Арабистон яриморотида тарқалишидан олдин V аср бошларида Макка шаҳрини идора қилишган. Ўша вақтда ҳеч ким уларга қарши чиқмас, Қурайш қабиласи уларни ўзларига раҳбар деб билиб, итоат этарди.

Абдуманоф Қусай ибн Килобнинг ўғли бўлиб, Маккада оқсоқоллик қилишга фақат унинг авлодлари ҳақли деб қаралган. Бошқа қабилалар айна масалада улар билан баҳслаша олмаган. Бироқ Қусай ибн Килобнинг бошқа ўғли Абдуддор фарзандлари ҳам Маккада раҳбарликни даъво қилардилар. V аср ўрталарида юзага келган бу ҳолат сулҳ билан ўз ечимини топди. Унга кўра Макка саййиди бажарадиган вазифалар икки уруғ орасида тақсимланиб, ар-рифода¹ ва ас-сиқоя² Абдуманоф уруғига, ал-ҳижаба³, ал-лива⁴ ва надва⁵ Абдуддор уруғига ўтди. Ар-рифода ва

¹ Маккага келган ҳожиларга озиқ-овқат билан таъминлаш. Бу ишни бажариш учун Макка аҳолисидан солиқ йиғилган.

² Ҳожиларни сув билан таъминлаш вазифаси.

³ Каъбани назорат қилиш вазифаси. Каъба эшигининг калитлари унда сақланади.

⁴ Байроқдорлик вазифаси.

⁵ Қурайш қабиласи йиғилиш ўтказадиган жой.

ас-сиқоя вазифаларини Ҳошим ибн Абдуманоф назоратига олди. Абдушшамс ибн Абдуманоф сафарларга кўп чиққани сабабли Маккада кам бўларди⁶.

Ҳошим ибн Абдуманоф бадавлат одам бўлиб, Макка аҳолисига кўп ҳадялар тарқатиб, меҳр-ихлосига сазовор бўлган эди. Унинг бу одати Маккадаги сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамланишига ёрдам берди. Ҳошим Маккада раислик қилган вақтда акаси Абдушшамс ёки унинг ўғли Умайя ўртасида ҳокимият учун деярли кураш бўлмаган. Баъзи ривоятларда улар ўртасида кескин низолар бўлгани ҳақида маълумотлар бўлса-да, уларнинг исноди жуда заиф ва ровийлари аниқ келтирилмаган⁷.

Ҳошимнинг вафотидан сўнг Макка раҳбарлиги унинг укаси Мутталиб қўлига ўтди. Бироқ Мутталибнинг ҳокимияти узоқ давом этмади. Ҳошимнинг ўғли Абдулмутталиб вояга етгач, отаси эгалик қилган ар-рифда ва ас-сиқоя вазифаларини ҳамда Макка раҳбарлигини қайтариб олди. Бу даврда ҳам уммавийлар ва ҳошимийлар орасида айтарли даражада адоват ва келишмовчиликлар юзага келмади. Абдулмутталиб ҳошимийлар саййиди бўлиши баробарида уммавийлар саййиди Ҳарб ибн Умайя билан қадрдон эди. Уларнинг фарзандлари Аббос ибн Абдулмутталиб (568-652) ва Абу Суфён ибн Ҳарб (560-652) ҳам яқин дўст бўлишган. XV асрда яшаган мисрлик тарихчи Муҳаммад Макризий ҳошимийлар ва уммавийларнинг ўзаро алоқалари ҳақидаги китобида икки уруғ ўртасида низо ва келишмовчиликлар бўлганини келтириб ўтса-да Аббос ва Абу Суфён орасидаги мустаҳкам дўстликни алоҳида эътироф этади⁸. Аббос ибн Абдулмутталиб Абу Суфённи Макка фатҳ этилишидан олдин ўз ҳимоясига олган ва

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам билан учраштирган эди.

Ҳошим даврида ҳам, Абдулмутталиб даврида ҳам уммавийлар ва ҳошимийлар шон-шараф учун кимўзарга мусобақа қилишар эди. Бу исломдан олдинги бутун араб қабилаларига хос хусусият экани айти ҳақиқатдир. Уммавийлар давлати асосчиси Муовия ибн Абу Суфёндан исломдан олдин икки уруғдан қай бирининг шарафи баланд бўлганлиги ҳақида сўралганда у: “Абдулмутталиб бўлган вақтда улар биздан шарафлироқ эди, унинг вафотидан сўнг шараф бизларга ўтди. Чунки биз улардан сон жиҳатдан устун эдик. Бу ҳолат улар: “биздан Набий чиқди” деган вақтгача давом этди. Улардан аввалгилар ва охиригилар эшитмаган пайғамбар чиқди. Бу шарафга ва фазлга ким ҳам эриша оларди”, дея жавоб берган⁹.

Маккада VII аср бошларида ислом дини тарқала бошлаган вақтда уммавийлар янги динга бошқа араб қабилалари каби муносабатда бўлди. Ҳошимийлар Муҳаммад (сав)га қариндош бўлганликлари учун уни ҳимоя қилган бўлсалар-да, исломни қабул қилишда етакчи бўлмадилар. Уларнинг орасида ҳам бу динни қабул қилувчилар ва ундан юз ўгирувчилар, Муҳаммад алайҳиссаломни ҳимоя қилувчилар ва бошқа қабилалар каби унинг даъватига қарши чикувчилар бор эди. Расулulloҳ (сав)нинг амакиси Абу Лаҳаб ибн Абдулмутталиб ва унинг хотини Умму Жамил бинти Ҳарб Муҳаммад алайҳиссаломга фақат сўз билан қаршилиқ қилибгина қолмай, турли йўллар билан азият етказиш билан танилган эдилар. Қурайш қабиласи Ҳошим уруғига қамал эълон қилган вақтда ҳам ана шу амакилари Абу Лаҳаб ўз уруғи билан бирга бўлмади. Шунингдек, Бадр жангига ўзи бора олмаган бўлса-да ўрнига Ос ибн Ҳишомни тўрт минг дирҳам эвазига ёллаб жўнатди¹⁰. Бу ишлари унинг исломга ва Набий

⁶ Ибн Ҳишом. Ас-сийра ан-набавийя.

⁷ محمد صلابي. الدولة عوامل الإزدهار و تداعيات الإنهيار. ج. ١. دار المعرفة-بيروت. ٨٠٠٢م، ص ٣٢.

⁸ Муҳаммад Макризий. “Ан-низаъ ват-тахосум байна бани умайя ва бани ҳошим”. Қоҳира: мутолаъа сиҷл ал-араб. 1315. Б. 32.

⁹ Ибн Касир. Ал-бидая ван-нихая 8 жуз. Байрут: Мактаба ал-маориф. 1990. Б.138.

¹⁰ Муҳаммад Саллобий. Ад-давла ал-уммавийя. Авами-лил-издиҳар тадаийятул-инҳияр. 1 жуз. Байрут – Дарул-маърифат. 2008 йил. Б. 24.

алайҳиссаломга умрининг охиригача қаршилиқ кўрсатганининг далилидир.

Ҳошим уруғидан баъзилари исломни қабул қилиб, баъзилари исломни қабул қилмасе-да, Муҳаммад (сав)ни ҳимоя қилди. Бадр ғазотида мушриклар тарафида жанг қилган Аббос ибн Абдулмутталиб, Ақил ибн Абу Толиб ва Навфал ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб мусулмонлар томонидан асир олинди. Расулulloҳ уларни тўлов эвазига қўйиб юбордилар. Аббос Бадр ғазотидан кейин исломни қабул қилди, бироқ Мадинага ҳижрат қилмади. Фақат Расулulloҳ Маккани фатҳ этиш учун йўлга чиққан вақтларидагина ҳижрат қилди.

Абу Суфён ибн Ҳорис ҳам мушриклар билан Бадрда қатнашди. Лекин у асир тушмай Маккага эсон-омон етиб келди. Абу Суфён Расулulloҳнинг эмиқдош биродарлари ва амакиларининг ўғли бўлиб, исломдан олдин у зот билан яқин дўст эди. Ислои келганида у душманлар сафида туриб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаларни масҳараловчи шеър ёзиши билан танилган эди. У кейинчалик Макка фатҳ этилганда мусулмон бўлиб, Ҳунайн жангида қатнашди¹¹.

Пайғамбар (сав) амакилари Абу Толиб кўп ҳимоя қилиб, ҳаётининг охиригача жиянини Қурайш қабиласининг тазйиқларидан ҳимоя қилди, бироқ аждодларининг динидан воз кечмади¹².

Али ибн Абу Толиб, Ҳамза ибн Абдулмутталиб ва Жаъфар ибн Абу Толиб каби Ҳошим уруғи вакиллари ҳижратдан олдин исломни қабул қилиб, Абу Бакр, Умар ва Усмон каби етакчи мусулмонлардан бўлди.

Абдушшамс сулоласи вакиллари бўлган уммавийлар ислои динига бошқа Қурайш қабиласи уруғлари каби муносабатда бўлди. Баъзилари исломни қабул қилди, баъзилари васания (кўпхудолик)да қолишни ўзига маъқул кўрди. Тарихчилар янги дин даъватига қарши

чиқувчиларнинг олдинги қаторида Робийа ибн Абдушшамснинг икки ўғли Утба ва Шайбани, ҳамда Абу Суфён ибн Ҳарбни кўрсатадилар. Утба ва Шайба умрининг сўнги нафасигача исломни қабул қилмади ва 624 йил мусулмонлар билан бўлган Бадр жангида ҳалок бўлди. Абу Суфён Макка фатҳи арафасида 630 йили исломни қабул қилди ва ундан кейинги ҳаёти давомида мусулмонларнинг фатҳ юришларида қатнашди.

Исломни энг аввал қабул қилган Умайя уруғи вакили Усмон ибн Аффон бўлиб, Аффоннинг отаси Ос Умайя ибн Абдушшамснинг ўғли эди. Усмон ибн Аффон дастлабки мусулмонлардан бўлиб, бу давр махфий даъват даври дейилади. Уммавийлар вакили Халид ибн Саид ибн Ос ҳам уч йил давом этган махфий даъват даврида исломни қабул қилди. Абдушшамс уруғидан Утба ибн Робийанинг ўғли Абу Ҳузайфа ва Шайба ибн Робийанинг қизи Рамла янги динга илк иймон келтирган мусулмонлар сифатида зикр қилинади. Улардан айримлари 615 йили Ҳабашистонга қилинган ҳижратда ҳам иштирок этган. Хусусан, Усмон ибн Аффон ва унинг аёли Руқайя бинти Муҳаммад ҳамда Абу Ҳузайфа ибн Утба унинг аёли саҳла бинти Суҳайл Ҳабашистон ҳижратида иштирок этган¹³.

Ислои дини кириб келганидан кейин ҳам уммавийлар ва ҳошимийлар ўртасида кескин келишмовчиликлар юзага келмаган. Ўрта аср араб тарихчилари улар ўртасида адоват бўлганини келтиради. Бироқ тарихий ҳақиқат уларнинг орасида мустаҳкам дўстлик ва қариндошчилик алоқаси бўлганини кўрсатади. Бунга далил сифатида икки уруғ ўртасидаги куда-андачилик алоқаларини келтириш мумкин. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўрт қизларидан уч нафарини Умайя уруғига узатган эдилар. Тарих китобларидан икки уруғ ўртасидаги қариндошлик ришталарига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қуйида улардан баъзиларини айтиб ўтаииз:

¹¹ 101 улуғ саҳобий. Муаллифлар жамоаси / Масъул муҳаррирлар А. Мансур, А. Ҳасанов. – Тошкент: Тошкент ислои университети нашриёти, 2015. Б. 136.

¹² Шайх Муҳаммад ал-Ҳузайрий. Нурул-Яқин. – Тошкент: “Sano-standart” нашриёти. 2018. Б. 79.

¹³ Муҳаммад Саллобий. Ад-давла ал-уммавийя. Авамили-издиҳар тадаийятул-инҳияр. 1 жуз. Байрут – Дарул-маъариф. 2008 йил. Б. 26.

– Усмон ибн Аффон Расулуллоҳнинг қизлари Руқайяга, унинг вафотидан сўнг иккинчи қизлари Умму Гулсумга уйланган.

– Умайя уруғидан Абу ал-Ос ибн Робий Пайғамбар алайҳиссаломнинг қизлари Зайнабга уйланган.

– Ҳадича бинт Али ибн Аби Толиб. Унга Абдурахмон ибн Омир ибн Курайз ал-Уммавий уйланган.

– Рамла бинт Али ибн Аби Толиб. Унга Муовия ибн Марвон ибн Ҳакам уйланган.

– Зайнаб бинт Ҳасан ибн Ҳасан ибн Али ибн Аби Толиб. Унга Валид ибн Абдулмалик ибн Марвон уйланган.

– Фотима бинт Ҳусайн ибн Али ибн Аби Толиб. Унга Абдуллоҳ ибн Амр ибн Усмон ибн Аффон уйланган¹⁴.

Уммавийлардан кўпчилиги исломнинг дастлабки даврида шаҳодат калимасини келтириб, мусулмон бўлишди ҳамда Ҳабашистон ва Мадинага хижрат қилдилар. Макка фатҳида барча Уммавийлар исломни қабул қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг исломга кирганларидан жуда хурсанд бўлдилар. Чунки улар янги давлат равнақи учун хизмат қилар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳи арафасида Абу Суфённинг уйига кирган кишига омонлик берилишини эълон қилганларидан кейин у қабила раҳбарларидан бири бўлиб қолишига ишонч ҳосил қилди.

Абу Суфён ва унинг фарзандлари Макка фатҳидан кейин 630 йилда юз берган Ҳунайн ва Тоиф ғазотида қатнашди¹⁵. У Тоиф ғазотида бир кўздан, 636 йилда Шомда бўлиб ўтган Ярмук жангида иккинчи кўздан ҳам ажралди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳунайн ғазотидан тушган ўлжалардан Абу Суфён ва унинг фарзандларига катта миқдорда улуш ажратдилар. Абу Суфёнга қирқ уқия

олтин билан юзта туя берилди. Унинг ўғиллари Язид ва Муовияга ҳам шунча қийматда улуш тақсимланди¹⁶. Шунингдек Расулуллоҳ Абу Суфённи Нажрон ҳокими, ўғли Муовияни ваҳий котиби этиб тайинладилар. Имом Муслим “Саҳиҳи Муслим” китобида Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, Абу Суфён Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўзини амир, ўғлини ваҳий котиби қилишларини сўраган ва Расулуллоҳ унинг ўзини Нажрон ҳокими, ўғлини котиб қилганлар.

Макка фатҳ этилгандан кейин шаҳарнинг биринчи волийси уммавийлар уруғидан Атаба ибн Усайд бўлди. Шунингдек уммавийлардан яна Амр ибн Саидни Ҳайбар, Водил-қуро, Тиймо ва Табукка, Холид ибн Саидни Санъога, Аббон ибн Саидни Баҳрайнга ҳоким қилиб тайинладилар. Уммавийлар вакили Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ҳам ваҳий котибларидан бири эди.

Хулоса қилиб айтганда, Расулуллоҳ (сав) вафот этган вақтларида уммавийлар ҳокимлик ва котиблик вазифаларида фаолият юритган. У зот кураишнинг бирор уруғидан уммавийлар каби кўп вазифага тайинламаганлар. Уммавийлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида ҳам рошид халифалар даврида ҳам ислом жамиятининг мустаҳкам пойдеворга эга бўлишида катта ҳисса қўшдилар.

Уммавийлар ва ҳошимийлар ўртасида исломдан олдин ва илк ислом даврида кескин низолар бўлмаган. Фақат аббосийлар даврида ёзилган тарихий манбалар уларнинг муносабати душманона руҳида бўлганига далолат қилади. Бироқ, улар ўртасидаги қариндошчилик алоқалари манбалардаги маълумотларнинг асоссиз эканлигини кўрсатади.

¹⁴ Иброҳим Али Шаут, Маҳмуд Муҳаммад Зайёда. Исломда олтин давр. Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти. 2017. Б. 227.

¹⁵ Иброҳим Али Шаут, Маҳмуд Муҳаммад Зайёда. Исломда олтин давр. Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти. 2017. Б. 227.

¹⁶ Шайх Муҳаммад ал-Хузарий. Нурул-Яқин. – Тошкент: “Sano-standart” нашриёти. 2018. Б. 258.